

2018

## PECULIARITIES OF BUDDY TEMPLES OF JAPAN

Islomiddin Haydarov

*International Islamic Academy of Uzbekistan, dolina007@bk.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Religious Thought, Theology and Philosophy of Religion Commons](#)

---

### Recommended Citation

Haydarov, Islomiddin (2018) "PECULIARITIES OF BUDDY TEMPLES OF JAPAN," *The Light of Islam*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 12.  
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2018/iss1/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

## ЯПОНИЯДАГИ БУДДА ИБОДАТХОНАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

### ОСОБЕННОСТИ БУДДИЙСКИХ ХРАМОВ ЯПОНИИ

#### PECULIARITIES OF BUDDY TEMPLES OF JAPAN

**Калит сўзлар:** буддавийлик, синтоийлик, Будда ибодатхонаси, самон, кондо, кодо, коро, сёсоин, то, пагода.

**Ключевые слова:** буддизм, синтоизм, буддийский храм, самон, кондо, кодо, коро, кёдзо, сёсоин, то, пагода.

**Key words:** Buddhism, Shinto, Shintoism, Buddhist temple, kondo, kodo, koro, to, pagoda.

Сўнги йилларда дунёда юз бераётган глобал ўзгаришлар, айниқса, сиёсий, иқтисодий, маданий ва техникавий тараққиёт билан бир қаторда ижтимоий ўзгаришларнинг кўлами катта. Бундай глобаллашув жараёнида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик масалалари долзарб аҳамият касб этади.

130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қиладиган юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда диншуносликка оид билимларнинг ўрни катта.

Давлатлараро ижтимоий, иқтисодий ва дипломатик алоқаларни ўрнатишда кўп асрлар давомида халқнинг менталитети шаклланишида катта ўрин эгаллаган диний қадриятларни ўрганиш талаб этилади. Жаҳон динлари туркумига кирувчи буддавийлик тарихи, ундаги йўналиш ва оқимлар, ибодатхона, ибодат ва маросимларни ўрганиш ана шундай ишлардан.

Буддавийлик (Буддизм) – жаҳон динлари ичида энг қадимийси бўлиб, милоддан аввалги биринчи мингйилликда [1:44], VI–V асрларда Ҳиндистонда вужудга келган [2: 124]. Унинг номи санскрит тилида buddha сўзидан олинган бўлиб, осойишталикка ва буюк ҳақиқатга эришган деган маъноларни англатади [3:80]. Динга Сиддхартха Гаутама асос солган [4: 229]. Буддавийлик кастачилик тизимини инкор этиш билан ҳинд динларидан фарқ қилади. Унинг инсонларни табақаларга ажратмасдан тенг ҳуқуқийлик асосида яшаш ғояси буддавийликни Ҳиндистонда шудралар томонидан оммавий қабул

қилинишига олиб келган бўлса, кшатрий ва вайшийлар табақаси томонидан қўллаб-қувватланишига сабаб бўлган. Бу орқали улар ведизм, жайнизм ва брахманликдаги табақа тизими (брахман, вайший, кшатрий ва шудра)дан, шунинг асносида эса, брахманлар якка ҳокимлигидан қутилишни мақсад қилганлар.

Буддавийлик император Ашока даврида (мил. ав. 273–232) давлат дини даражасига кўтарилиб, кенг ҳудудга ёйилди [8:93]. Ашоканинг ҳукмронлик қилган даври борасида ҳам мутахассисларнинг фикрлари турлича. Масалан, немис буддологи Эдвард Конзе (1904–1979) Ашока мил. ав. 274–236-йилларда ҳукмронлик қилганлигини таъкидласа, рус шоири, таржимон ва тарихчи Л.Л.Абаева, рус буддололари В.П.Андросов ва Э.П.Бакаеваларнинг фикрига кўра, Ашока мил.ав. 268–231-йилларда ҳукмронлик қилган [9:16]. Буддавийлик этикаси профессори Кеоун Дамьеннинг фикрига кўра, Ашока мил.ав. 268 йилда император бўлган [10:99]. Юқоридаги ҳолат шуни кўрсатадики, олимларнинг ёндашуви император Ашоканинг ҳукмронлик йиллари борасида фарқланса-да, бироқ уларнинг фикрлари Ашока айнан III асрда яшагани ва ҳукмронлик қилганига дололат қилмоқда. Бундан кўришиб турибдики, Ашока мил.ав. III асрда давлат бошқарувига келган.

Император Ашока буддавий монахларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган миссионерлик ҳаракатларига хайрихоҳлик қилган [5: 115-116]. Динни ёйишда сангха – роҳиблик жамоаларининг роли катта бўлган. Роҳиблар муссон ёмғирлари тинмай қуйган ойларда ибодатхоналарда будда таълимотларини ўрганган бўлсалар, йилнинг қолган ойларида (об-ҳавоси яхши бўлган 9 ойида) шаҳар ва қишлоқларда юриб аҳолини буддавийликка даъват қилишган [6:99]. Бунинг натижасида ушбу дин Ер куррасининг турли минтақаларига тарқалиб, у жаҳон дини даражасига кўтарилди.

Буддавийлик Японияга VI асрнинг ўрталарида Корея орқали кириб кела бошлаган [11]. Ўз навбатида буддавийлик Кореяга Хитойдан кириб келган [12]. Бу вақтда Корея аҳолиси анимизм, фетишизм, тотемизм ва шаманизм каби илк диний тасаввурларга эътиқод қилар эди. Буддавийлик динида илоҳ ёки илоҳлар ҳақидаги таълимотнинг йўқлиги, шунингдек, унинг инсонларни азоб-уқубатлардан қутилиш йўллари ҳақидаги фалсафий таълимоти уни маҳаллий халқнинг диний тасаввурларини инкор этмасликка олиб келган. Натижада буддавийлик янги ҳудудларга тез тарқалган. Шу билан бирга буддавийлик Корея аҳолисининг диний тасаввурлари билан қоришиб, янги кўринишларда намоён

«Диншунослик», «Дунё динлари тарихи» каби бир қатор фанларда динлар тарихи, таълимоти, йўналишлари, муқаддас манбалари тўғрисида атрофлича маълумотлар келтирилган. Мақолада жаҳон дини ҳисобланган буддавийликнинг пайдо бўлиши, тарқалиши, Японияга кириб келиши, синтоийлик билан қоришиб кетиши, буддавийлик ибодатхонасининг шаклланиши ва таркибий тузилиши очиб берилган.

В «Религиоведении» и «Истории религий мира» приводятся сведения об истории, учениях, направлениях, священных писаниях различных религий. В статье речь идёт об истории возникновения и распространении буддизма в Японии, его синкретизме с синтоизмом, рассказывается об истории и структуре японского буддийского храма.

Religious studies give knowledge about the history of the religions of the world, teachings, directions, sacred writings of religions. The article deals with the history of the emergence and spread of Buddhism to Japan, its syncretism with Shinto, and also tells about the history and structure of the Buddhist temple.

бўла бошлаган. Бу эса ўз навбатида Кореяда буддавийлик жамоаларининг шаклланишига олиб келган. Мазкур ҳолатни Японияда ҳам кузатиш мумкин.

Ҳар қандай дин маълум минтақага кириб бориши билан ана шу минтақанинг табиий иқлим шароити, аҳолисининг урф-одатлари, анъана ва маросимлари, халқнинг темпераменти ва менталитети каби миллий ва этник омиллар таъсирида жузъий ўзгаришларга дуч келади. Японияда халқнинг диний тасаввурлари билан қоришиб кетган буддавийлик ўзгача шаклда намоён бўлган. Ушбу дин япон жамиятига нафақат янги дунёқарашни, балки, янгича маданиятни ҳам олиб келди. Будда таълимотининг Японияга кириб келиши синтоийлик ибодатхоналарида ибодатга мўлжалланган махсус **хайдэн** [7:23] ва **хондэн** [13] каби иншоотларининг қурилишига сабаб бўлган. Қадимда синтоийликда муайян шаклга эга бўлган, махсус режа асосида қурилган ибодатхона иншооти бўлмаган [14]. Бундай муқаддас жойларга **Канасана** ва **Мива** қадамжолари киради [15]. Бундан кўриниб турибдики, буддавийлик Японияга ибодатхона архитектураси тусунчасини олиб келган.

Бугунги кунда Японияда Будда ибодатхоналарига умумий ном берилган бўлиб, у 寺 – **дзи** иероглифи билан қайд этилади. Ушбу иероглиф икки хил тарзда талаффуз қилинади. Агар ибодатхона унинг асосчиси ёки у жойлашган ҳудуд номи билан аталган бўлса, 寺 – **дзи** иероглифи **тэра** ёки **дэра** деб ўқилади. **Асука-дэра** – Асука ҳудудида жойлашган ибодатхона, **Киёмидзу-дэра** – Киёмидзу шарша-

раси яқинидаги ибодатхона, **Татибана-дэра** – Татибана сулоласи асос солган ибодатхона кабилар шулар жумласидан.

Агар ибодатхона маълум илоҳга бағишланган бўлса, унда 寺 – **дзи** иероглифи ўз ҳолича талаффуз қилинади. **Якусидзи** ибодатхонаси табиб-будда Якуси номига атаб қўйилган.

Шуни айтиб ўтиш керакки, айрим ибодатхоналар подшоларга атаб қурилади. Унинг номланиши подшолар бошқарув даврига далолат беради. **Энрякудзи** ана шундай ибодатхоналар сирасига киради. **Энрякудзи** атамаси Энряку ҳукмронлик давридаги ибодатхона маъносини англатади. Шу билан бирга, япон Будда ибодатхоналарига нисбатан 伽藍 гаран атамаси ҳам ишлатилади [16]. У санскрит тилидаги «сангхарама» атамасидан олинган бўлиб, қисман истиқомат қиладиган жой, жамоавий яшаш маскани деган маънони англатади. Бу атама Японияда қадимги ибодатхоналарга берилган бўлиб, бундай ибодатхоналарга Ганго:дзи-гаран киради.

Ибодатхоналар асосан баландликларда, тоғлар ёки тепаликларда қурилган. Японияда буддавийликни ёйиш мақсадида ҳар бир вилоятда, кўпинча синтоийлик муқаддас жойлари яқинида Будда ибодатхоналарини қуриш тўғрисида фармонлар берилган. Марказий ибодатхона мамлакат пойтахтида қурилиб, вилоятлардаги ибодатхоналар эса унга тобе бўлган. Ўрта асрларнинг охирларида аралаш синто-будда ибодатхоналари қурила бошлаган. Улар синто-будда синкретизмининг оқибатида вужудга келган.

Япон буддавийлик ибодатхонаси етти қисмдан иборат [17]. Ундаги иншоотларга **самон** – ташқи дарвозалар, **кондо** ёки **хондо** – ибодат қилинадиган меҳробли хона, **кодо** – ваъз айтиладиган, панд-насиҳат қилинадиган хона, **коро** ёки **суро** – барабанли ёки қўнғироқли хона, қўнғироқхона, **кёдзо** – сутралар, муқаддас ашёлар сақланадиган омбор, **сёсоин** – хазина сақланадиган хона ва **То** ёки **пагода** – муқаддас шахслар хоки сақланадиган кўп қаватли иншоотлар киради. Шунингдек, ибодатхона иншоотларига роҳиблик маскани ҳамда таомланиш хоналари кирган.

**Кондо** – ибодат қилишга мўлжалланган меҳробли хона. **Кондо** атамаси олтин зал деган маънони англатади [18]. Ушбу атама Асука ва Нара (645–794) ҳукмронлик қилган даврда қўлланилган [19]. Бироқ, Хэйан даврига келиб унинг номи **хондо** – асосий хона атамасига ўзгартирилган.

**Хондонинг** меҳробида Будда тимсоли туширилган ҳайкал, чизилган ёки тўқилган сурати ўрнатилган бўлади. Ибодатхонада Будда ўтирган, тик

турган ёки ёнбошлаб ётган ҳолда тасвирланган. Мехробда Сигхарта Гаутама Шакьямуни, Махавирачайон, Амитабхалардан бирининг ҳайкали ўрнатилади. Шунингдек, мехробда Будда билан бирга будхисатвалар ҳамда бошқа муқаддас шахсларнинг суратлари ўрнатилиши мумкин [20].

Буддавийликдаги реинкарнация ҳамда инсонларни ҳидоятга бошлаш учун Будданинг бир неча маротаба қайта тирилиши ҳақидаги таълимоти Будданинг турлича тасвирланишига олиб келган. Дин асосчиси, диний-тарихий воқеа-ҳодисаларни, илоҳ ва илоҳаларни расм ёки ҳайкалтарошлик ёрдамида тасвирлаш ҳинд динларига мансуб бўлиб, буддавийликда Будданинг суратини чизиш ёки ҳайкалини яшаш ҳинд маданиятидан ўзлаштирилган. Бугунги кунда буддавийликда Буддани тасвирлаш, унинг ҳайкалини яшаш диний маданият даражасига кўтарилган. Дунёнинг турли бурчакларида, яъни мазкур дин тарқалган мамлакат кўчаларида, шаҳарлар марказида, шунингдек, буддавийлик ибодатхонасининг мехробида Будданинг ётган, ўтирган ҳамда тик турган ҳолатларда тасвирланган ҳайкалини учратиш мумкин. Будда ҳайкалининг тасвирланишида минтақанинг аҳамияти сезилиб туради. Масалан, Ҳиндистон ҳудудидаги Будда кўнғироқ сочли, юмалоқ кўзли, ғарибона кўринишга эга бўлган, қора танли озгин инсон сифатида тасвирланса, Бурятия ва Хитойдаги ибодатхоналар марказида жойлашган мехробда Будда қисик кўзли, хитойликларнинг миллий кийимини кийиб олган, тўлишган, ҳаётда ҳеч қандай муаммоси бўлмаган, ўзига тўқ инсон кўринишида тасвирланганини кўришингиз мумкин.

Бу ҳолат буддавийлик ақидаси билан боғлиқ. Ундаги афсоналарга кўра, Будда кўп йиллар давомида Ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 58 марта подшоҳ, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товук, 8 марта ғоз, 6 марта фил, шунингдек, балиқ, қурбақа, каламуш, кўён каби қиёфаларда қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган [6:99].

Ибодатхона атрибутларидан иккинчиси **кодо**. У ибодатхона кутубхонаси бўлиб, унда муқаддас битиклар сақланади. Ушбу битиклар руҳонийлар томонидан ибодатхонага келган зиёратчиларга ўқиб эшиттирилади. Муқаддас ёзувларни аҳолига тушунтириш, ваъз айтиш, панд-насиҳат қилиш каби ишлар **кодо**да бажарилади.

**Коро** – ибодатхонадаги иншоот. У **суро** деб ҳам аталади. **Коро** эътиқод вакилларида ибодат вақтини эълон қилиш, эслатиш хонаси бўлиб, унда

катта осма барабан ва уни уриб чалишга мўлжалланган икки таёқ бўлади. Ибодатга чорлов христианликда кўнғироқ, яҳудийликда сур чалиш воситасида, мусулмонларда азон айтиш орқали амалга оширилса, буддавийликда барабанлар чалиш билан амалга оширилади. Ушбу иншоот христианликдаги колокольня, исломдаги минора вазифасини бажаради.

**То** ибодатхона атрибути бўлиб, у **пагода** деб ҳам аталади. **То** – уч **цзицзо** – қуйи, **шэнь** – ўрта ва **ша** – юқори қисмларидан иборат бўлган бир неча қаватли иншоот. Ўртасида яхлит устундан иборат ушбу иншоот уч, беш қават қилиб қурилади. **Пагода** – муқаддас шахслар хоки сақланадиган кўп қаватли бино [21].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу мақолада келтирилган маълумотлар жаҳон динларидан саналган буддавийлик динининг вужудга келиши, Будда ибодатхонаси, буддавийликнинг Японияга тарқалиши, унинг таълимоти ва фалсафаси, Япониядаги будда ибодатхоналари, уларнинг тарихи ва таркибий тузилиши ҳақида батафсил маълумот олиш, шунингдек, япон халқи менталитети, синтоийлик ва буддавийлик динларининг синкретизацияси натижасида ибодатхоналарнинг ички ва ташқи кўринишидаги ўзгаришлар ҳамда ундаги атрибутларнинг мазмун-моҳиятига доир билимлар олишга хизмат қилади.

#### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Лукашов В.А., Омурова Т.О., Трофимова З.П. Религиоведение: методика преподавания. – Москва-Воронеж.: Московский психолого-социальный институт : МОДЭК, 2000. – 128 с.
2. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М.: 2000. – 240 с.
3. Нарбеков А.В. Диншунослик асослари: ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. – 211 б.
4. Писманик М.Г. Религия в истории и культуре. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, – 1998. - 430 с.
5. Леонид Сергеевич Васильев. «История религий Востока». – М.: «Книжный дом «Университет», 1999. 432 б.
6. Агзамходжаев С., Раҳимжонов Д., Мухамедов Н., Нажмиддинов Ж. Дунё динлари тарихи. – Т.: Тошкент Давлат Шарқшунослик институти, 2011. – 260 б.

7. Стюард Д.Б.Пикен. Синто медитации для исцеления и просветления человеческой души. – М.: Феникс, 2005. – 176 б.

8. Кеонун Дамьен. Буддизм. – М.: «Весь Мир», 2001. – 176 с.

9. Абаева Л.Л., Андросов В.П., Бакаева Э.П. и др. Буддизм. – Словарь / Под общ. ред. Жуковской Н.Л. и др. – М.: «Республика», 1992. – 290 б.

10. Конзе Э. Буддизм: сущность и развитие. – Санкт-Петербург.: Наука, 2003. – 288 с.

11. <https://www.nkj.ru/archive/articles/6376/>

12. <http://dalma.ru/buddhism/>

13. <http://pravoslavie.ucoz.org/index/0-30>

14. <http://www.turistos.net>

15. [http://www.waysamurai.ru/all\\_about\\_japan/culture/miva\\_daymyedzin\\_engi/](http://www.waysamurai.ru/all_about_japan/culture/miva_daymyedzin_engi/)

16. <http://trubnikovann.narod.ru/Hram.htm>

17. [trubnikovann.narod.ru](http://trubnikovann.narod.ru)

18. <http://helpiks.org/4-80099.html>

19. <http://studopedia.org/3-100929.html>

20. <http://trubnikovann.narod.ru/Hram.htm>

21. <http://w.histrf.ru/articles/article/show/pagoda>

**Islomiddin HAYDAROV,**

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

*Диниунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш*

*ЮНЕСКО кафедраси таянч докторанти*

